
Уюшмаган ёшлар ўртасида футбол мусобоқаси ўтказилди

Қува тумани Қорақум маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бугун “обод ҳонадон” “обод кўча”, “обод маҳалла” мезонлари асосида кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган бундай ислохотлардан маҳалла аҳли бирдек мамнун. Уларнинг кайфиятини янада кўтариш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида масъул ташкилотлар томонидан маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув, очиқ мулоқотлар, спорт мусобоқалари, концерт дастурлари ва турли ҳил кўрик танловлар ўтказилмоқда.

Уларнинг мисоли сифатида ҳудуддаги уюшмаган ёшлар ўртасида туман ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳамкорлигида спортнинг мини футбол тури бўйича мусобоқа ўтказилди.

Мусобоқада Қорақум маҳалласи ёшлари ва маҳаллага чегарадош 7 та маҳаллаларнинг ёшларидан иборат жамоалар ўзаро куч синашди.

2023-12-04 20:06:54